

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.us

2009 йил 30 июнь, № 129 (4792)

Сешанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 28 июнь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцяни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. — Ташрифингиз мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги кенгайтиришга интилишлари муштарак эканидан яна бир ёрқин далолатдир, — деди Ислон Каримов. — Биз ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Хитой муносабатларини юксак кавраблаймиз.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз юритганда, аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабат қарор тоғлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва ХХР раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган Ека-

теринбург саммити доирасида ҳам учрашиб, ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболни муҳокама қилдилар. Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Хитой доимо Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбекистон Хитой учун муҳим ва долзарб масалаларда ушбу мамлакат нуктаи назарини ёқлаб келади.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар йўналишларда ҳам алоқалар фаол ривожланмоқда. 2008 йилда ўзаро савдо ҳажми қариб 50 фоиз ўсиб, 1 миллиард 296 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ислон Каримов ва Ху Цзиньтаонинг 2008 йилдаги Пекин учрашувида 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳақида сўз борган эди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик, айниқса, фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Орол денгизи акваториясида, Устўрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сарможий блокларини олиб бормоқда. Мингбулоқ қонунда нефть қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузилган. 2007 йилда «Ўзбекистон — Хитой» газ қувурини барпо этиш ва ишлатиш тамойиллари тўғрисидаги ҳуқуматлараро шартнома имзоланган. Қурилиш ишларини жорий йил охиригача якунлаш режалаштирилган.

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцяни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий, сарможий ва илмий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Музокарада иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари, икки томон учун ҳам манfaatли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

## ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ

Тошкентда 2009 йил 25-26 июнь кунлари «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасидаги ютуқлар ва унинг истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази томонидан Германиянинг мамлакатимиздаги элчиюни ва Европа Кенгаши ҳуқуқи орқали демократлаштириш Венеция комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзгартрилди, жиний жазо тизими босқичма-босқич либераллаштирилмоқда. Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қаноққа олшиш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларининг ишончли таъминлашига йўналтирилган демократик ислохотларнинг чуқурлаштириш йўлидан оғиш-боришга йўналтирилган давлат берувчи муҳим омилидир.

## «МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

**Карл Блеха:**  
**«ҲАМКОРЛИГИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ»**  
Мамлакатимизда Австрия сийбас оламининг фахрийси Карл Блеха меҳмон бўлди. Жаноб Блеха кўп йиллар мобайнида Австрия парламенти депутаты, мамлакат ички ишлар вазирини, таниқли канцлер Бруно Крайскининг ўринбосари, Австрия социалистик партиясининг нуфузли аъзоларидан бўлган.  
**Биз ва жаҳон**  
Австриянинг обрўли нашрларидан бири — «Cercle diplomatique» журнали саҳифаларида К. Блеханинг журнал ношири Вальтуд Штайнбек хоним билан Ўзбекистонга қилган сафари таассуротлари ҳақидаги суҳбати эълон қилинди.  
**Давоми 2-бетда.**



**Касб-хунар таълими бобида**  
Қадимдан касб таълими маънавий тарбия билан бирга олиб борилган. Бир мин сол. Хар бир дўкон, устахона пештоқига бир мўъжазгина китоб-қўлланма тоза матоҳга ўраб, осиб қўйилган. Бу — «Рисола» эди. Унда хар бир касбининг тарихи, одоби, хунарманда талаблар Курьон ва ҳадисларга боғлаб баён этилган. Масалан, махсулотни юксак сифатли қилмасдан бозорга чиқармаслик, тарози тошининг тўғри бўлиши, газламанни пишиқ тўқиш, тўғри ўлчаш, мол(махсулот)нинг нархини тўғри қўйиш, тарозидан тортиш, ўлчашда ҳалоллик, покизалик, тозалик талаблари ўзилган. Шунинг учун ҳам харидорлар яхши пишган, салмоқлигина қонни, тўғри ўлчанган, баракали гўшти, аниқ ўлчаб берилган газламани қўриб, «рисоладагидек бўлибди», деб дуо қилишган.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» деган фундаментал педагогик принцип алоҳида таъкидланди. Миллий педагогикамиз, касб-хунар таълимимиз тарихи бунга гувоҳ.

## УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

маънавий-ахлоқий тарбияда халқнинг бой миллий маданият-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқиш, амалга оширилади».

Ана шунинг учун бугун таълим-тарбия босқичидаги ишлар ҳам РИСОЛАДАГИДЕК БУЛА БОРМОҚДА.


Бугун «устоз-шоғирд»лик — касб-хунар таълимимизнинг маънавий-ахлоқий анъанасига айланади. Узлуксиз таълим тизими доирасида мажбурий 3 йиллик ўрта махсус касб-хунар таълими шаклланди. Ўрта махсус касб-хунар таълими «бир ўқ билан икки кўнни отиш»га мўлжалланган: фарзандларимиз ҳам касбий хунар эгаллашди, ҳам чуқур билим олиш имконига эгалар. Ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ишлатилган 90835 нафар муаллимнинг 1117 нафари фан докторлари ва номзодлари. Ўзлар таълим-тарбияни юксалтиришда салмоқли меҳнат қилляптилар.

**Давоми 2-бетда.**

## ҲАМ ИШОНЧ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги барча журналистлар кўнглига катта хурсандчилик, кўтаринки руҳ ва ўшқин кайфият бағишлади.

Шу билан бирга, Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари ходимларига қарата айтган сўзлари барчамизга янада катта масъулият юқлатди. Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида бундан-да фаоллик, жонбозлик ҳамда фидойи меҳнат талаб этишини теран англаб етдик. Давлатимиз раҳбарининг табригида: «Баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий жур-



## ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ ОЧИҚ

Шижоати баланд, салоҳияти юксак, интилувчан ва қатъиятли ёшлар эртамининг ҳал қилувчи кучи, ёруғ келажагимизнинг муносиб ворисларидир. Зеро, ўқиб билим олиш, илму хунар эгаллаш, юксак марраларни забт этиш бутунги навқирон йигит-қизларнинг эзгу мақсадларидир.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камоли йўлида амалга оширилаётган саяё-харакатлар, таълим-тарбия тизимидаги изчил ислохотларнинг асл моҳияти ҳам ана шундай улғуниятга ҳамонан бўлиб, ёшларимизни қомил шахс этиб тарбиялашдек олий мақсадга қаратилган.

Яна бир неча ҳафтадан сўнг мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўйган пок ният-қизлар орау қилган мутахассислик бўйича тест синаовлари асосида олий ўқув юрталарига имтиҳон топширадиган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 июндаги «2009-2010 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул бўлишига» қарорига мувофиқ, янги ўқув йилида олий ўқув юрталарининг бакалавриатура босқичига 57305 нафар талаба қабул қилиниши кўзда тутилган. Улардан 19755 нафари давлат гранти, 37550 нафари эса тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Шунингдек, ўқув юрталарининг магистратура босқичига 5 647 нафар талаба қабули белгиланган бўлиб, 1 559 нафар йигит-қиз давлат гранти, 4 088 нафар талаба эса тўлов-контракт асосида таълим олади.

**Давоми 4-бетда.**



ЖАҲОН 24 соат ичида Поездлар тўқнашуви

Хитойнинг Хунан музофотидаги Чэньчжоу вокзалида икки йўловчи поезд бир-бирига тўқнашиб кетган. Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Маълумот учун мукофот

Покистон ҳукумати «Толибон» террорчилар гуруҳи етакчиларидан бири ҳақида маълумот берган одамни мукофотлашни билдириди.

Манбада келтирилишича, агар кимда-ким Байтулла Махсуд ва унинг энг яқин 10 нафар ёрдамчиси ҳақида аниқ ахборот бера...

Қароргоҳ олдида портлаш

Камбоджада мамлакат бош вазири Хун Сен ҳаётига суиқасд уюштирилди, дейилади «Синьхуа» ахборот агентлиги хабарида.

Унинг қароргоҳи олдида юз берган портлаш натижасида икки киши яралangan. Вазирининг ўзини эса ҳеч қандай шикаст етмаган.

Келишувдан чиқиб туради

Италия вақтинча (икки ҳафта давомида) Шенген келишувидан чиқиб туришини маълум қилди.

Бунинг сабаби сифатида терроризмга қарши кураш ва ақинда шу мамлакатда ўтадиган «Катта сакзиллик» давлатлари саммити вақтида хавфсизлик чораларини кучайтириш...



Эслатиб ўтаёмиз, Шенген келишувига қўра, унга аъзо мамлакатлар ўртасида килириш-чиқариш визалари бекор қилинган.

Банклар учун махсус жамғарма

Испания вазирилари махкамаси мамлакат молия тизимини жаҳон иқтисодий инқирози талафотлари таъсиридан сақлаш мақсадида махсус жамғарма тузишга қарор қилди.

Унга 9 миллиард евро миқдорда сармоя жалб этилиши кўзда тутилган бўлиб, бу маблағ мамлакатдаги кредит компаниялари фаолиятини қайта ташкил этишга, шунингдек, маҳаллий жамғарма банкларининг ишини жонлантиришга йўналтирилади.


Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

От ўрнини той босди

Халқимизда ота касбини тутиб, ҳаётда барака топиб кетган яхши ўғилларни кўрганда, кўни-кўшни, дўстлар: «От ўрнини той босар», «Ота ўғил-да», деб бўлди.

ОРЗУЛАР

Халқимизда ота касбини тутиб, ҳаётда барака топиб кетган яхши ўғилларни кўрганда, кўни-кўшни, дўстлар: «От ўрнини той босар», «Ота ўғил-да», деб бўлди.



Халқимизда ота касбини тутиб, ҳаётда барака топиб кетган яхши ўғилларни кўрганда, кўни-кўшни, дўстлар: «От ўрнини той босар», «Ота ўғил-да», деб бўлди.

KAPITALBANK

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган қатор чора-тадбирлар фуқароларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш ва шу орқали мамлакат иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган барқарор ресурслар базасини яратиш имконини бермоқда.

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ

банклар барқарор фаолиятининг муҳим омилларидан биридир

Ўзбекистон Республикасининг банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида депозитарни сугурталаш ва омонатларни қафолатлаш бўйича ихтисослашган жамғарма ташкил этиш йўли билан фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш чоралари назарда тутилган.

Молия муассасаларида

Молия муассасаларида фуқароларнинг омонатларини ҳимоялаш чоралари назарда тутилган. Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ

2009 йил 31 июль, 4 ва 7 август кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очик аукцион савдолари ўтказлади.

Аукцион савдоларида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ҳўжалик судининг 2008 йил 2 октябрдаги 11-0809/6592-сонли ижро варақаси ва 2009 йил 8 январдаги 7-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдир этилган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Хайдаров кўчаси, 1-уй манзилидаги ишлаб чиқариш цехида сақланаётган ва «SANAZ TUZ» Ўзбекистон Эрон қўшма корхонасига тегишли қўйидаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари қўйилмоқда.

Хар хил турдаги пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган «НАИТАН НТФ-160X» русумли технологик линия (носоз). Бошлангич баҳоси — 112 650 875 сўм.

Хар хил турдаги пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган «НАИТАН НТФ-450X» русумли технологик линия (носоз). Бошлангич баҳоси — 195 501 688 сўм.

Хар хил турдаги пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган «НАИТАН НТФ-220X» русумли технологик линия (носоз). Бошлангич баҳоси — 18 175 284 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдоларда катнашиш истагидидаги харидорлар тўлов ҳужжатига мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридagi закалат пулини «Kafolat rielт» МЧЖнинг «Ипак йўли» АТИБдаги хисоб рақамига тўлашлари ҳамда савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт: 20208000304406764001. МФО: 00444. СТИР: 205669645. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода катнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 238-69-93.

Жорий йилда Хоразм вилоятида деҳқон ва буюм бозорларидан 4 тасини капитал таъмирлаш, 4 тасини янгидан барпо этиш режалаштирилган эди.

Она-замин саховати

Яқинда Гурлан ва Шовот туманлари марказларида янги деҳқон бозорлари қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларнинг ҳар бирига 770 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бозорларни «Бинокурлишсервис» ҳамда «Шовотмахассусқурилишмон-таж» қурилиш ташкилотлари бунёд этди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Леж ўқувчиси экан. Исми — Ҳасанбек. У ўзининг ишчанлиги, зийраклиги билан тез назарга тушди. Шунинг учун тез орада йилгичга иш юри тувчи вазифаси юклатилди.

— Ҳасанбек жамоамизда ўз ўрнини топти. Солиқ тўловчилар билан унинг муомала маданияти юқори. Уларга солиқларнинг мохиятини тўғри тушунтира билади. Шунинг учун ўзига белгиланган солиқ тушуми истикбол режаларини тўла бажариб келмоқда. Уч марта вилоят давлат солиқ бошқармасининг фахрий ёрлиги ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Заррада кўш акс этади, дейдилар. Марҳаб, Аслидин, Ҳасанбек, Руслан, Асилжоннинг ёруғ тақдирини Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига боғлаган улус орзуларимиз акс этаётди. Яъни, Президентимизнинг «Оксак маънавият — энгилмас кўч» китобида битилганидек: «Истиклол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрталарида тахсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган мингмиглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоян этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интишларимиз буғунинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз».

Инспектор Ҳасанбек Фаргона шаҳар давлат солиқ инспекциясида бир ўспирин пайдо бўлди. Амалиёт ўташга юборилган кол...

булган хар қандай эҳтиёллари тўлиқ қондрилишига эришилади. Бугунги кунда «Капиталбанк»нинг вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида 7 та филиали, бош офис қоишда амалиёт бошқармаси ҳамда 39 та минибанки мавжуд бўлиб, уларда 670 миңдан ортиқ миқзога замонавий банк хизматлари кўрсатишмоқда.

«Капиталбанк» ОАТБда муайян хизматлар рўйхати мавжуд. Унда ўндан ортиқ макбурий хизмат турлари кўрсатишга бўлиб, барча филиаллар ва минибанклар шу асосда фаолият юрилади. Банк ўз минибанкларини келажакда жисмоний шахслар учун барча турдаги молиявий хизматларни кўрсата оладиган ўзига хос молиявий «супермаркетларга» айлантиришга интилади.

Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси

АХБОРОТИ 2009 йил 23 июль кунки Қирғизистон Республикаси Президентининг сайлови ўтказилиши муносабати билан Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида Қирғизистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкаси ташкил қилинган.

Элчихона ўз консуллиги ҳисобида турган барча Қирғизистон фуқароларининг Қирғизистон Республикаси Президентининг сайловига қатнашиш учун 2009 йил 23 июль кунки элчихонага (паспорт билан) келишларини сўрайди. Сайлов маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан соат 20.00 гача қўйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Х. Саматова кўчаси, 30-уй. Мўлжал — Олой бозори. Маълумот учун телефон: (+998 71) 237-47-94.

РЕСПУБЛИКА КўП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. 2009 йил 16 июль кунки соат 11.00 да Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жамбул кўчаси, 10-уйда бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошииб бориш тартибда тақрибий ўтказиладиган очик аукцион савдосига

Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 25 ноябрдаги 9903-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳри, И. Дўсов кўчаси, 114-уйда жойлашган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли қўйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:

- икки қаватли маъмурий бино, бошлангич баҳоси — 95 573 743 сўм;
- дуралгорлик устакхонаси ва комплектация биноси, бошлангич баҳоси — 109 113 777 сўм.

Юқорида кўрсатилган бинолар билан бевосита жойига чиқиб, суд ижрочилари иштирокида танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидидаги харидорлар (юрidik ва жисмоний шахслар) объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир объект учун алоҳида тартибда, Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Хоразм филиали (савдо ташкилотининг хисоб рақамига тўлашлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк» и Хоразм вилояти филиали, х/р: 20208000104633287002, МФО: 00579, СТИР: 206881350.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси номига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- савдода иштирок этиш учун ариза;
- жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси;
- юридик шахслар учун юридик макомини белгилловчи ҳужжатлар нусхаси;
- ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан танишиш истагидидаги талабдорлар Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Хоразм филиалига эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг иш кунлари соат 16.00 га қадар мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Жамбул кўчаси, 10-уй, Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Хоразм филиали. Телефон: (8-362) 224-22-38. Лицензия DB № 000003.

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHIS ҚОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Адлия вазир Равшан Мухитдиновга волидай мухтарамаси МУБОРАҚ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси ЭТБ бошлиғи Баҳриддин Холмираевга онаси ҲАЛИМА аянинг вафоти этганини муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

